O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 21 июль № 152 (3427) Чоршанба

*Марказий сайлов комиссиясида*

## Ҳудудий семинар-тренинг

*Кеча Самарқандда «Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди.*

Сиёсий партияларнинг қуйи ташкилотлари, ОАВ ва ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, халқ таълими бўлимлари мудирлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят, туман, шаҳар ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ташкил этилган бу семинарни вилоят ҳокими М. Нурмуродов кириш сўзи билан очди.

Унда кун тартибидаги масала юзасидан Марказий сайлов комиссияси раиси Б. Мустафоев маъруза қилди. Шунингдек, анжуман қатнашчилари сиёсий партияларни молиялаштириш тартиблари, очиқ ва ошкора сайлов ўтказиш меъёрлари, сайловолди жараёнини оммага етказишда ОАВнинг ўрни, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифаларига оид мавзуларда ҳам маърузалар тингладилар. Бундан ташқари, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловнинг ўзига хос хусусиятлари, маҳаллий кенгашлар учун бўлажак сайловнинг аввалги сайловлардан фарқи, мустақил ташаббускор гуруҳларни тузишнинг тартиблари ва уларнинг ҳуқуқлари ҳамда сайловни қонун талаблари асосиди ўтказиш демократик жамият талаби эканлиги хусусида ҳам сўз юритилди.

Семинар-тренинг эркин мулоқот, баҳс-мунозара руҳида ўтди.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



## Бунёдкорлар

*Бугун Наманган шаҳрининг қай бир мавзесига борманг, бири-биридан чиройли турар жой, муассаса бинолари, фавворалар, маъмурий биноларга кўзингиз тушади. Шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турган ушбу бинолар салобатидан завқ туясиз. Уларнинг тархини чизган меъмордан тортиб, қуриб битказган бунёдкорлар меҳнатига таҳсин ўқишингиз табиий.*

*Дмитрий Фёдоров ҳам (суратда) ғайрат-шижоатли, бунёдкор ёшлар сирасига киради. Бир неча йилдирки, у Наманган қурилиш трестида меҳнат қилиб келмоқда. Дмитрий аъзо бўлган жамоа яқиндагина шаҳардаги «Меҳрибонлик уйи»нинг янги биносини қуриб, фойдаланишга топширди.*

*— Энди болажонлар яхши яшаш ва ўқиш учун барча қулайликларга эга бўлишди, — дейди Фёдор. — Бу хайрли ишда менинг ҳам ҳиссам борлигидан қувонаман.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Бугуннинг гапи*

**Мамлакатимизда таълим тизимига тобора кўпроқ аҳамият берилмоқда. Кейинги йилларда бу борада ҳукуматнинг бир қатор муҳим қарорлари қабул қилингани бунинг ёрқин исботидир.**

## Ўқитувчилар меҳнати рағбатлантирилади

Ана шу ҳужжатларга кўра, ушбу соҳа ходимларининг иш ҳақи миқдори оширилди. Бошланғич синф ўқитувчиларига ойлик устамалар, ўқитувчиларнинг синф раҳбарлиги, дафтарларни текширганлик, ўқув кабинетлари ва лабораторияларига мудирлик қилганлиги учун қўшимча ҳақ белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтказиш тўғрисида»ги қарори эса, айниқса, ўқитувчилик касбининг аҳамиятини ва обрў-эътиборини ошириш, уларнинг шарафли ва масъулиятли меҳнатини рағбатлантириш, ҳаётининг моддий шарт-шароитини яхшилаш юзасидан изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган яна бир муҳим ҳужжат бўлди.

— Аввало, тармоқ сеткаси ҳақида икки оғиз сўз, — дейди республика Халқ таълими вазирлиги Молиялаш ва режалаштириш бошқармаси бошлиғи Ш. Ғуломов. — Ҳозирда республикамизда 22 та разрядли ягона тариф сеткаси мавжуд. Унинг энг қуйи разряди 1 августгача 5440 сўмни ташкил этади. Тармоқ сеткасида ана шу нолинчи разряд коэффициенти бир қанча юқори бўлиши мумкин. Демак, уларнинг разрядларига тегишли ойлик маоши ҳам юқори бўлади. Биз қарорда кўрсатилганидек, ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ушбу услубига ўтиш учун махсус тайёргарлик кўрдик. Ушбу масала бўйича май ойида барча вилоятларда семинар-кенгаш ўтказилди. Унда ўқитувчиларни рағбатлантиришнинг янги усуллари юзасидан кўплаб педагогларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф-тавсияларини тингладик. Шунингдек, Германия, Франция, Россия каби бир қатор хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиб чиқиб, хулосаларни умумлаштирдик. Шу асосда тегишли тавсиялар берилди.

Бевосита қарорга келадиган бўлсак, унда ўқитувчиларни рағбатлантиришнинг асосий учта йўналиши қайд этилган. Яъни, ўқитувчиларга, касб маҳоратига кўра, 25 фоизгача, тарбиявий ишлари ва синфдан ташқари олиб борган фаолиятлари учун 15 фоизгача устама ҳақ қўшиб берилади. Бу ўринда ўқитувчининг қайси фандан дарс бериши, синф раҳбари ёки раҳбар эмаслиги ҳеч қандай аҳамиятга молик эмас. Айни пайтда методистлар шахсий улушига кўра, тегишли миқдорда

(Давоми 2-бетда).

Жойлардан хабарлар

### «Олимпус» черепицалари

**Марғилондаги “Олимпус” қурилиш компанияси маҳаллий хомашёдан черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Германиянинг “SV.CO. LD” корпорацияси дастгоҳлари ўрнатилгач эса иш янада жонланиб кетди, дея хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири.**

**Корхонада иш бошлаган ёшлар мамлакатимиздаги турдош корхоналарда малака ошириб қайтдилар. Ҳозир “Олимпус”да кунига 300 та томёпқич ишлаб чиқарилаётган бўлса, у тўла қувват билан ишлай бошлагач, маҳсулот ҳажми ҳам, ишчилар сони ҳам кўпаяди.**

### Исковотда спорт мажмуаси

**Янгикўрғон туманидаги Исковот қишлоғи ўз спортчилари билан вилоятда ном қозонган. Шу қишлоқлик волейболчи Муҳайё Розиқова эса Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Остона шаҳрида ўтказилган беллашувлар натижасига кўра, жисмоний тарбия институтига имтиҳонсиз қабул қилиниш имкониятини қўлга киритди.**

**Куни кеча Исковотда халқаро андозаларга мос янги спорт мажмуаси иш бошлади. Барча қулайликларга эга иншоот учун 350 миллион сўм маблағ сарфланди.**

**Қ. НАЖМИДДИНОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

### Ҳам дам олишади, ҳам тил ўрганишади

**Бухородаги бир қатор болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган болажонлар ҳам ҳордиқ чиқаришяпти, ҳам инглиз тилини ўрганишяпти. Гап шундаки, бухоролик болаларга АҚШлик 20 нафар волонтёр кўмакка келган. Тинчлик корпусининг Glow Gamp дастури доирасида ўтказилаётган ушбу машғулотларда барча болалар мунтазам иштирок этишаётир. Волонтёрлар инглиз тилини ўргатиш билан бир қаторда, турли психологик машғулотлар ҳам ўтказишмоқда.**

**Ўз мухбиримиз.**

## Долзарб мавзуга бағишланди

**Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигида «Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

У Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси ташаббуси билан ўтказилди. Анжуманда комиссия раиси Ш. Салимова жамиятни демократик янгилашда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузи тўғрисида маъруза қилди. Шунингдек, у бугунги кунда юртимизда аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил тўхталди.

Республика Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С. Хўжаева, Олий Мажлис депутати Г. Боқиева, юридик фанлари доктори Н. Саидовалар ҳозирги босқичда аёлларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда уларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи ҳақида сўз юритишди.

Конференцияга таклиф этилган сиёсий партия вакиллари бўлажак сайловларда хотин-қизларнинг иштироки тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

*Янги рукн:* *Аёлларга эътибор — жамият келажагига эътибор!*

# Ишлаш керакми?

## ёки ишлагандай бўлиб кўриниш...

***Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.***

**Ислом КАРИМОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони чиққанига, мана, икки ой бўлаяпти. Хўш, жойларда ана шу ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини шакллантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган умуммиллий сиёсатни рўёбга чиқариш бўйича қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда? Биз ана шу саволга жавоб топиш мақсадида Қашқадарё вилояти хотин-қизлар қўмитасида бўлдик.

— Нима, менинг ўрним бировга керак бўлаяптими? — деди мазкур қўмита раиси, вилоят ҳокими ўринбосари Дилором Холбоева. — Ким «заказ» қилди? Газетага ёздиришмай, шундай айтишса ҳам ўрнимни бўшатиб берардим...

Амалпарастлик — ёмон. У аёлми, эркакми, ким бўлмасин, бу касалга мубтало бўлса, мансабга тиш-тирноғи билан ёпишиб олади. Ишни эмас, фақат мансабида узоқроқ қолишни ўйлайди, холос. Шундай фикрлайдиган одамлардангина мана шунақа гап чиқади. Шунинг учун унинг бу гапига унчалик эътибор қилмай, мақсадимизни тушунтирдик.

— Нима, танқид қилмоқчимисиз? — сўрайди у яна.

«Йўқ. Борини ёзмоқчимиз», деганимиздан сўнг ҳам у тинчланмади. Иш кўплигидан, ҳаммасига улгуриб бўлмаслигидан нолиб кетди... Сўнгра қўлимизга бир даста қоғозни тутқазди. «Фармонни жойларда тушунтираяпмиз. Мана, тарғиботчи-ташвиқотчилар рўйхати», — деди.

Қашқадарё вилояти мамлакатимизда ўзига хос ўрин тутади. Ҳудуди ҳам катта. Қишлоқларда истиқомат қилувчилар, айниқса, кўпчиликни ташкил этади. Ана шундан келиб чиқиб, Фармонда айтилганидек, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг иш ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорликка жалб этиш дастурлари, умуман, асосий йўналишлар бўйича дастурлар тайёрланаяптими-йўқми, бу ҳақда у оғиз очмади. Шу ҳақдаги саволни ҳам жавобсиз қолдирди.

Қарши шаҳар хотин-қизлар қўмитасида эса 1-тоифали мутахассис Зиёда Олимова ва мутахассис Манзура Очилова билан учрашдик.

— Раис икки ойдан бери бетоб, — деди Зиёда Очилова. — Ўзимиз ишлаб турибмиз.

Савол-жавоблардан маълум бўлдики, шаҳар хотин-қизлари ўртасида юқорида тилга олганимиз Фармон юзасидан ҳали аниқ-тиниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Тўғри, маҳаллаларда диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозимларига номзодлар танланган.

— Сўнгги пайтда асосан шу иш билан шуғулландик, — тан олди Зиёда Олимова.

Раис бетоб, мутахассислар ўзларича нимадир қилишаётгандек. Лекин ҳозирги талаб нимадан иборат? Уларнинг иши шу талаб даражасидами? Бу саволга жавоб бериш қийин. Нега шаҳар ҳокимлиги уларнинг ишини холис, танқидий баҳолаб, демократик ўзгаришлар ва янгиланишларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирларини белгилашни пайсалга солмоқда?

*Таҳлил, танқид, таклиф*

Қамаши тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Фотима Кароматованинг иш бошлаганига эндигина икки ой бўлибди. Шу ўринда айтиш керакки, Ғузор, Миришкор, Муборак туманларида ҳам хотин-қизлар қўмитаси раислари, худди Фотимадек, эндигина иш бошлаганлар. Фотима билан суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, у ҳали туман хотин-қизлари дарди, ўй-интилишларини у қадар яхши билмайди.

— Ўзим ҳам қишлоқда туғилиб ўсганман, — дейди у. — Қишлоқ аёлларининг ҳаётини яхши биламан. Қишлоқ аёллари тадбиркорликнинг уддасидан чиқолмайди, деган гап нотўғри. Фақат биз уларга йўл кўрсатишимиз керак.

Фотима тўғри айтди. Қандай қилиб «йўл кўрсатиш» эса энди унинг ўзига, билими, савияси, ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ.

Шаҳодат Асланова 3 йилдан буён Шаҳрисабз хотин-қизлар қўмитасига раис, 3 йилдан буён ҳоким ўринбосари.

— Жойларда йиғилишлар, учрашувлар ўтказаяпмиз, — деди у бийронлик билан. — Гаплашаяпмиз, тушунтираяпмиз.

— Аёллар билан яккама-якка ҳам гаплашаяпсизми? — сўраймиз ундан.

— Нима учун якка гаплашишим керак? — саволга савол билан жавоб қайтарди у.

Тағин бир-икки савол бергандик, у бирдан тутоқиб кетди.

— Нима, мени сўроқ қилаяпсизми?

Лола Ўроқова — асли журналист. Китоб тумани хотин-қизлар қўмитасига раис, ҳоким ўринбосари бўлганлигига ҳам салкам 9 йил бўлаяпти. Лекин унга мансаб нуқси урмаган. Мухбирлик пайтида қандай оддий, самимий бўлган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай. Шунинг учун туман аёллари, олис чекка қишлоқлардаги хотин-қизлар ҳам уни яхши билишади. Унга ишонишади, уни ўз эгачисидек билишади, тортинмай гапларини айтишади, маслаҳат сўрашади, таклифларини изҳор этишади.

Шунинг натижаси ўлароқ, иш бўлаяпти. Масалан, Бешқозоқ қишлоғида, М. Бобоев номли хўжалик ҳудудида сутни, унни қайта ишлаш, тикувчилик цехлари, ҳуқуқий маслаҳатхона очилиш арафасида. Унга ЮНИСЕФ ташкилоти 10 минг доллар ажратган. Шу туфайли 50 нафар аёл иш билан таъминланади. Ана шу аёлларнинг 20 нафар фарзанди учун боғча ҳам очилади.

Шунингдек, туман марказида «Бекажон» аёллар спорт клуби ҳам иш бошлаш арафасида.

Китоблик 20 нафар раҳбар аёлнинг «Меҳрибонлик уйи»даги 30 қизни «қизим» деб фарзандликка қабул қилиши ҳам Лола Ўроқованинг ташаббускорлиги натижаси.

Йод етишмаслиги оқибатида туман хотин-қизлари ўртасида бўқоқ касаллигининг кўпайиб кетаётганлигидан ташвишга тушган, чора-тадбир кўрган ҳам у.

Туманда нечта отинойи бор? Улар нима иш билан банд? Тўйлардаги кўплаб расм-русумларни улар ўзларича жорий қилишаяптими? Шу саволларга жавоб излаб, ҳар қишлоқ, маҳалладаги отинойини аниқлаб, билимини баҳолаб, ўқитишни йўлга қўйган, мударрислар орқали уларга таъсир кўрсатган ҳам у.

Санайверса, унинг қилган иши кўп. Ҳар йилги қилинган ишлардан унсиз сўйлагувчи альбомлар, ундаги суратлар, ҳар суратга Лоланинг ўзи битган ўтли шеърий сатрлар шундан гувоҳлик бериб турибди.

Бундан чиқадиган хулоса нима? Ҳар нарса одамга, унинг билими, малакаси, тажрибаси, интилиши, салоҳиятига боғлиқ. Бунга Лола Ўроқованинг иши мисолида ишонч ҳосил қилдик. У ўзини амалдор деб ҳис қилмайди. Аёллар билан юқоридан пастга қараб энгашиб ёки ёнбошдан гаплашмайди. Оддий, опа-сингилдек бўлиб муомала қилади. Олис тоғ қишлоқларига бориш учун «машина йўқ» деб ўтирмайди. Бу дунёда излаган имконият топади, топаман деганга баҳона ҳам кўп. Унинг учун иш муҳим. Энг асосийси, хотин-қизларга қаратилган умуммиллий сиёсатни, унинг моҳиятини яхши англайди. Шунга яраша ишлайди.

Назаримда, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокими ўринбосари ҳам одамлар кўзига ишлагандай бўлиб кўриниш учун эмас, умуммиллий сиёсатни тўла-тўкис амалга ошириш учун ҳаракат қилса, айни муддао бўларди. Зеро, Президентимиз Фармонининг талаблари ҳам шундан иборат. Фармонни бажариш эса шарт.

Демак, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси ишини танқидий баҳолаб, уларни мамлакатимизда рўй бераётган демократик ўзгаришлар ва янгиланишларнинг фаол иштирокчилари сафида бўлишга ундайдилар, деб умид қиламиз.

**Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# КЎНГИЛЛАРГА МАЛҲАМ МУРУВВАТ

Зоя Ооржак — асли тувалик. Жиззах чўли ўзлаштирилиб, Пахтакор тумани ташкил этилибдики, шу ерда яшайди. Тўрт нафар фарзанди бор.

— Меҳнатга интилганни Яратганнинг ўзи қўллайди, — дейди онахон доимо. — Бекорчидан эса эл безор.

Унинг ўзбек тилида равон сўзлашларию, мақолларни жойига қўйиб ишлатганидан руҳланамиз. Зоя опа қўшниси Людмила Гаренских каби уйида чорвачилик билан шуғулланаркан. Украинлар азалдан соғин сигирлари билан машҳур эмасми, ўтган йиллар давомида Людмила опадан кўп нарсаларни ўрганди.

— Кейинги йилларда хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилаётгани маҳалладаги ишсизлар сонини камайтирди, — дейди Людмила Гаренских. — Имконияти борлар ғалла, пахта ва бошқа экинлар экишаяпти, ҳовлисида мол сақлаганлар қанча.

Гапни бежизга тадбиркорликдан, қолаверса, чорвадан бошламадик.

Қиш ўтиб, баҳор бошлангач, чорвадор учун одатда бир-бир ярим ой мураккаб кечади. Ем-хашак тамом бўлган, яйлов ҳам етишмаган пайтнинг қийинчиликларини бошига тушган билади. Худди ўша пайтда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алфия Узоқова уйма-уй юриб, аҳоли чорвасини ҳисоб-китоб қилганида дастлаб кўпчилик ҳайрон бўлди. Бир неча кун ўтиб, хонадонларга кунжара, омихта ем тарқатила бошлагач, бозорга мол етаклаш тўхтади.

Ирина Гулий маҳаллада 28 миллат вакили яшашидан фахрланади. Уларнинг барчаси ўзбекона урф-одатларни қадрлашади. Иринанинг тўрт нафар фарзандидан бири — туғма ногирон. Маҳалла фаоллари уни даволатишда кўп ёрдам беришди. Энди эса қизалоқни доимий ҳомийликка олишган. Кийим-кечагидан, озиқ-овқатидан хабар олиб туришади. Имкон қадар дори-дармон етказиб беришади.

Маҳалла меҳридан баҳраманд бўлаётганлар эса жуда кўп. Жамоага Алфия Гаязовна раҳбар бўлгач, бундай мурувватлардан кўпчилик баҳраманд бўлди. Яқинда кам таъминланган оилаларга 5-10 килограммдан гуруч тарқатилди. Фермер хўжалиги раҳбари Раҳмон Турсунов элга ош беришни ният қилган экан. Раис таклифи билан 45 хонадонга "эл оши"нинг гўшти, мойи улашилди. Бир пайтлар сув хўжалигида ишлаб, нафақага чиққан, эндиликда ёрдамга муҳтож кишиларнинг саккиз нафари озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди...

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг Пахтакор тумани бўлими раиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Эсон Махсадовнинг таъкидлашича, Меҳр ва мурувват йилида одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат мустаҳкамланиб, уларнинг бир-бирига бўлган муносабатларидаги самимийлик, ҳамфикрлилик, ҳамдардлик каби хислатлар тобора оммалашиб бо-

## *Ватан — менинг тақдиримда*



раётган экан.

Ўтган ойда "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан "Зарафшон" кафесида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 11 нафар боланинг хатна тўйи ўтказилди. "Аллиддин бобо" фермер хўжалиги раиси Ш. Ўрозов ҳар бир бола учун 10 минг сўмдан жамғарма дафтарчалари очтирди. "Қатортол" фирмаси "Олтинкўл" маҳалласида яшовчи 9 ёшли қизнинг туғма хаста буйрагини даволатишга ҳомийлик қилди. Маҳаллалар саъй-ҳаракати билан ўнлаб талабаларнинг банклардаги махсус ҳисоб рақамларига маблағ ўтказиб берилди. Ёлғиз қарияларнинг уйлари таъмирланмоқда ва ҳоказо. Эсон аканинг ҳисоб-китобига қараганда, ҳозиргача туман бўйича аҳолига қилинган хайрия ҳамда ҳомийлик ёрдами салкам 9 миллион сўмни ташкил этади.

"Мингчинор", "Оқбулоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқолларидан Дармон Абдуалимов, Келдибек Хушбеков, "Дўстлик" маҳалласидан Турсунбой Бердимуродовларни "Маҳалла" хайрия жамғармаси туман бўлими биносида учратдик.

— Бугунги маҳалла том маънода меҳр-оқибат масканига айланган, — дейди Дармон Абдуалимов. — Ижтимоий ҳолатига қараб фахрийлар йил давомида газ, телефон, электр тўловларидан озод этилди. Кўпчилиги транспортда бепул юра бошлади. Маҳаллаларга қачон шунча имконият, ваколат берилган?

Шу куни оқсоқоллар йиғилишиб, «Дилором» маҳалласида яшовчи Г. Ражабова ва Д. Тўрақулованинг аризаларини муҳокама этишди. Маълум бўлишича, уларнинг ёзги таътилга чиққан тўрт нафар ўғли тун ярмигача кўчада юришни одат қилишибди.

Муаммони ҳал этиш учун суҳбатга милиция таянч пункти ходимлари ҳам таклиф этилдилар. Ўзаро ҳамкорликда назорат қилиш, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш тадбирлари белгиланганидан сўнггина онахонлар енгил тортишди. Меҳрли, жонкуяр инсонлар, оқсоқоллар бор бўлсин, дея дуо қилишди.

— Афсуски, ота-оналар ҳар доим ҳам бундай ҳозиржавоблик, ҳушёрлик қилаверишмайди, — дейди вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспектори, милиция катта лейтенанти Саъдулла Нарзиев. — Кимдир оиласи шаънини ўйлаб, боласининг қилмишларини яширади, бошқа биров эътибор бермайди. Оқибатда вақт ўтиб, боласи "тарбияси оғир"лар тоифасига кириб қолса ҳам сезишмайди. Яқинда бизнинг профилактик ишларимиз натижа бермагани учун Дониёр Мадраҳимов деган ўсмирни махсус мактаб-интернатга жўнатишга мажбур бўлдик.

Шу ўринда айтиш керакки, маҳаллалардаги тарғибот-ташвиқот ишлари, профилактик тадбирлар туман халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилаётгани боис самарали бўлмоқда.

"Маҳалланг — ота-онанг", дейишади. Аҳил-иноқ маҳаллалар, тиниб-тинчимас оқсоқоллар бор экан, ҳеч ким меҳрга зор бўлиб қолмайди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

АҚШда ишлаб чиқарилган технология ускуналари, машина ва агрегатларни харид қилиш учун АҚШ экспорт-импорт банки кредит йўналиши ҳисобидан хорижий валютада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда.

- *Банк 100 мингдан 5 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдорда АҚШда ишлаб чиқарилган ускуналар ва технологиялар харидига доир импорт контрактларини молиялайди ва АҚШ «Эксимбанки»нинг суғурта ҳақини тўлайди.*
- *Кредит муддати — 7 йилгача.*
- *Ўз маблағлари иштироки — лойиҳа қийматининг камида 25 фоизи.*
- *Гаров таъминоти — кредит суммасининг камида 120 фоизи.*

NBU

*Лойиҳангиз муваффақиятли амалга оширилиши учун АҚШнинг малакали консалтинг компаниялари жалб этилади.*

**Қўшимча маълумотлар учун Кичик ва ўрта бизнес бош бошқармасига 135-38-52, 135-17-02 рақамли телефонлар орқали ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилишингиз мумкин.**
www.nbu.com

9459R/621

Автомобилларни газ ( метан ) билан тўлдириш станциялари учун ускуналарни етказиб бериш имкониятига эгамиз.

Тўшакбоп пахта сотиб оламиз.

Тел./факс: (998-71) 144-15-71, 41-20-62.
E-mail: lirafeniks@mail.ru

9429R/1516

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари диққатига!

«AGREGAT ZAVODI» ОАЖ

ОВХ-600 ВЕНТИЛЯТОРЛИ ПУРКАГИЧЛАРНИ ишлаб чиқаради ва сотади.

Тўлов — ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан.
23204 ҳисоб рақамига қисман, яъни 50 фоизгача тўлаш имконияти бор.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Завод манзили: 700057, Тошкент ш., Уста Ширин к., 117-уй.
Телефонлар: 148-02-40, 148-11-02, 48-16-51, 48-29-21.

9481R/1604

JAPAN
Official Development Assistance

"Let's study in Japan!"

# JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) PROGRAM (2005-2006)

Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan for the Japanese fiscal year of 1999-2000.

The objective of JDS Program is to provide nationalities of Uzbekistan with opportunities for academic research at Japanese higher educational institutions (hereinafter referred to as "universities") in order to support the Government of Uzbekistan in its efforts to facilitate its own plans for human resource development, specifically for transition to market economy. And thereby it extends and enhances the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.

The JDS Program targets young government officers for public sector, researchers, business people and others who intend to contribute to the socio-economic development of Uzbekistan after obtaining Master degree within the designated period of study.

Under this Program, 20 fellows will be selected to study at Japanese universities for Master levels.

1. **QUALIFICATION AND REQUIREMENTS FOR APPLICANT**

(1) Nationality: Applicants must be citizens of Uzbekistan
(2) Age: Applicants must be between 22 and 34 years old (including) as of April 1st, 2005
(3) Work experience:
Applicants are required to have more than 2 years of work experience after getting Bachelor degree, recorded in Workbook, at the time of application.
For those who are applying for the field of Business Administration, more than 3 years of work experience after getting Bachelor degree, recorded in Workbook, are required at the time of application.
(4) Academic Background: Applicants must hold a Bachelor degree. As for the following universities, there are specific requirements:
(a) Those applicants for Nagoya University in Law, it is necessary to have basic knowledge of Laws and preferable to hold a Bachelor degree in Law.
(b) Applicants for Kyushu University in Public Policy and Administration are preferable to hold a Bachelor degree in political sciences or equivalent of social sciences.
(c) Applicants for Ritsumeikan University in Information Technology, it is preferable to have basic knowledge of Information Technology and a degree of Bachelor in related field.
(5) Study field: 1. Law
2. Public Policy and Administration
3. Economics
4. Business Administration
5. Information Technology
6. Engineering
(6) Degree to be obtained: Master degree (basically, 2-2.5 year-course)
(7) English Proficiency Level for Master course in Japan: As for the language level, it depends on each field of each university and it is different. For details, see attached to the Application Form section 2 "For your Information".
(8) Health: Applicants must be in good mental and physical health. (Applicants will undergo a medical check-up in Tashkent during selection.)
(9) Language of instruction: English
(Even for those applicants who wish to obtain degree in English, minimum Japanese language knowledge will be required. Therefore, applicants who passed the final selection must participate in Pre-departure Japanese Training in Tashkent for about two months.)
(10) No applicants who have already studied or are scheduled to study in a foreign country in order to obtain a Bachelor / Master degree under any kind of scholarship program shall be eligible for application. Military personnel registered on the active list or Persons on alternative military service shall be INELIGIBLE for admission.

2. **TENTATIVE SCHEDULE OF JDS PROGRAM**

(1) Time of commencement of preparatory Japanese training: Middle of April 2005 (Every weekday, full-time basis, in Tashkent)
(2) Time of arrival in Japan: Early July 2005.

3. **APPLICATION PROCEDURE**

Applicants should submit the JDS Application Form accompanied with necessary documents (detailed description is provided in "Application Documents" enclosed to the Application Form) to JICE JDS Project Office. The Application Form will be available at the places below from July 20, 2004.

1. Embassy of Japan in Uzbekistan
- Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 18:00
- 1-28, Sadyk Azimov St., Tashkent
- Tell its receptionist the purpose of your visit there
2. JICA Uzbekistan Office
- Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
- 5th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
- Tell its receptionist the purpose of your visit there
3. Uzbekistan-Japan Center for Human Development
- Mon. to Thurs., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30, Fri., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 20:00
- 6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
- Tell its receptionist the purpose of your visit there
4. JICE JDS Project Office in Uzbekistan
- Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30
- 12A, U.Nasir St., Tashkent
- Tell its receptionist the purpose of your visit there
5. Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
- Mon. to Fri., 15:00 to 17:00
- 54-55, Babur St., Tashkent
- Tell its receptionist the purpose of your visit there
6. Agency of Foreign Economic Relations (AFER) of the Republic of Karakalpakistan – 96 A, Dustlik Guzari St., (Government House), Nukus.
7. AFER of Andijan region - 126, A.Navoi St., Andijan
8. AFER of Bukhara region -1, Muminov St., Bukhara
9. AFER of Djizak region – 63, S.Rashidov St., Djizak
10. AFER of Kashkadarya region – 2, Mustakillik St., Karshi
11. AFER of Namangan region – 3, B.Mashraba St., Namangan
12. AFER of Navoi region – 77, Khalklar Dustligi St., Navoi
13. AFER of Samarkand region – 1, Kuk Saroi Sq., (Regional Khakimiyat building) Samarkand
14. AFER of Surkhandarya region – 5th floor, At-Termezy Sq., (Regional Khakimiyat building), Termez
15. AFER of Sirdarya region – 4th floor, 35-Mustakillik St., (City Khakimiyat building), Gulistan
16. AFER of Fergana region – 53, Al Fargoniy St., Fergana
17. AFER of Khorezm region - 1, Gafur Gulyam St., Urgench
18. Business Communications Center (BCC) Samarkand – 89A, Gagarin St.
19. BCC Khiva – 1, Jamoat Markazi St.
20. BCC Djizak – 52A, Tashkent St., office 6
21. BCC Bukhara- 23, Mustakillik St., office 31
22. BCC Termez- 19, M. Kahhara St., 1-st floor

4. **APPLICATION DEADLINE: AT 17:00 ON OCTOBER 15, 2004**

Applications must be received by JICE JDS Project Office in Uzbekistan ONLY
1) 12A, U.Nasir St., Tashkent (Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30).
2) P.O.Box 345 (2, Amir Temur St., Tashkent, 700000, Uzbekistan (Central Post Office))
Applications received after the deadline will not be considered.

5. **FOR MORE INFORMATION, YOU CAN ACCESS TO INTERNET, THE FOLLOWING WEBSITE:**

**From July 26, 2004**
**JDS Homepage – http://www.jds.uz**

**Reference telephone (Monday to Friday 10:00 to 12:30, 15:00 to 17:00 until October 15, 2004)**
**139-15-60/139-15-67 (JICE JDS Project Office in Uzbekistan)**
**(We may not answer the details of scholarship itself, selection criteria and so on.)**

9821R/1663

